

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

Нигора Қудратиллаевна РАХИМДЖАНОВА

етакчи илмий ходим

тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

ЎзР ФА Тарих институти

Тошкент, Ўзбекистон

nigoramumtoz@gmail.com

Аннотация

Макола хусусий олий таълим муассасалари тарихи ва бугунги ҳолатига бағишланган. Хусусан, хусусий олий таълим ватанимиз тарихида узок ўтмишга эга эканлиги мадрасалар ва улар фаолияти, таъминот манбаларига оид маълумотлар мисолида ёритиб берилган. Шунингдек, бугунги кунда ёшларни олий таълимга қамровда нодавлат ва хорижий ОТМларнинг ўрни, улар фаолиятини яхшилашга доир олиб борилаётган давлат сиёсати статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: олий таълим, хусусий ОТМ, хорижий, мадраса, таъминот, вақф, институт, университет, сифатли таълим, илмий салоҳият.

ПЕРСПЕКТИВЫ ЧАСТНОГО ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОШЛОЕ И НАСТОЯЩЕЕ

Нигора Қудратиллаевна РАХИМДЖАНОВА

ведущий научный сотрудник

доктор философии (PhD) по историческим наукам

Институт истории АН РУз

Ташкент, Узбекистан

nigoramumtoz@gmail.com

Аннотация

Статья посвящена истории и современному состоянию частных высших учебных заведений. В частности, тот факт, что частное высшее образование имеет давнюю историю в истории нашей страны, иллюстрируется на примере медресе и их деятельности, источников снабжения. Также сегодня на основе статистических данных анализируется роль негосударственных и иностранных вузов в предоставлении высшего образования молодежи, государственная политика по совершенствованию их деятельности.

Ключевые слова: высшее образование, частные вузы, зарубежное, медресе, фонд, обеспечение, институт, университет, качественное образование, научный потенциал.

Инсон камол топиб улғайиши, жамият ва давлат учун хизмат қилиб,
етук мутахассис, маънан ва ахлоқан комил шахс сифатида шаклланишида

икки омил —. оила ва таълим маскани муҳимдир. Оила инсонга тарбия берса, илм маскани унга таълим беради. Шахснинг камол топишида олий таълим муассасалари, хусусан ҳозирги хусусий олий таълим масканлари муҳим аҳамият касб этади.

Жамият тараққиёти ва ривожини учун ҳар бир мамлакатда кадрлар масаласи муҳим омиллардан саналади. Уларни тайёрлаш учун эса таълим муассасаларининг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистонда олий малакали мутахассисларни тайёрлашда бугунги кунда давлат таълим муассасалари катори, янги ташкил этилган хусусий институт ва университетлар ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда.

Сўнгги йилларда ёшларимизни олий таълимга қамраб олиш даражаси кескин ошди. Нуфузли хорижий университетлар филиаллари, нодавлат олий таълим ташкилотлари очилди, вилоятларда бир қатор олийгоҳлар филиаллари ташкил этилди. 2017 йилга қадар республикада 77 та ОТМ мавжуд бўлса, 2021 йилга келиб улар сони 141 тага ортган. Жумладан, уларнинг 26 таси нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ҳиссасига тўғри келади. Натижада сўнгги беш йилда олий таълимга қамров 3 баробар ошиб, 28 фоизга етган [4]. Республикадаги ОТМларга қабул квоталарини мустақил белгилаш тизими жорий этилиши энг аҳамиятли воқеа бўлди.

Айтиш жоизки, республикада нодавлат таълим муассасалари очилиши учун 2002 йилдан рухсат берила бошланди. 2017 йилдан бошлаб эса олий таълим фаолиятида хусусий секторга кенг ўрин бериш ҳақида бир қатор қарор ва фармонлар чиқарилиши бундай ОТМларнинг янада кўпайишига имкон яратди. Фан, таълим ва инновациялар вазирлигининг статистик маълумотларига кўра, 2023 йилда республикада 210 та ОТМ мавжуд бўлиб, улардан 115 таси давлат, 95 таси нодавлат ва хорижий олий таълим муассасаси (ёки уларнинг филиаллари) ҳисобланади. Бу каби таълим муассасаларини барча вилоят ва туманлар бўйлаб очиш, уларни қўллаб-қувватлаш давлат олдида турган муҳим вазифадир. Бундан кўзланган мақсад эса ёшларни билимли, ўз танлаган соҳасининг мутахассиси бўлишида

сифатли таълим тизимини яратишдан иборат дейиш мумкин. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ишсизлар сонининг ошиши, Ўзбекистон фуқароларининг иш излаб чет давлатларга, хорижда меҳнат мигрантига айланиши, қайсидир маънода уларнинг ўз юртларида керакли билимни олмаганликлари, хусусан, ОТМга бўлган қамровнинг пастлиги ва бунга ўз вақтида давлатнинг безътибор бўлганлигида ҳам эди. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев 2030 йилга келиб битирувчи ёшларнинг ОТМларга қамровини 50% гача оширишни тегишли вазирлик ва муассасалар олдида асосий вазифа қилиб қўйган эди. Табиийки, бу қамровни биргина давлат ОТМларининг ўзи бажара олмайди. Шу боис, ушбу масаланинг ечимида хусусий олий таълим муассасаларининг ўрни салмоқлидир. Сўнгги 1–2 йил ичида хусусий ОТМларнинг кўпайиб бориши керакли ва мақсадли жараёндир. Ҳақли савол туғилади. Ватанимиз тарихида хусусий олий таълим муассасалари бўлганми? Бўлган бўлса, уларнинг фаолияти қандай тузилишга эга эди?

Тарихдан маълумки, Шарқ илм ўчоғи, зиё маскани бўлиб келган. Хусусан, Бухоронинг “илм шаҳри” сифатида илк ўрта асрлардан яқин ўтмишга қадар Шарқ оламида довруғ қозониб келганлиги бунга мисол бўла олади. Бунда олий таълим муассасаси сифатида фаолият юритган мадрасалар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Мадрасалар тарихига тўхталадиган бўлсак, манбаларда VIII аср охири ва IX аср бошларида Бухорода илк Калабод ва Ғарибия номли мадрасалар ташкил этилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Аммо тарихий тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, унга қадар ҳам ватанимиз ҳудудида мадраса даражасидаги таълим масканлари, яъни араблар Марказий Осиёни босиб олгунга қадар юзлаб буддавийлик таълим масканлари мавжуд бўлган. Кейинчалик, Бухоро ва Термиздаги бу таълим масканлари ўрнига ислом таълимоти асосида янги мадрасалар ташкил этилган. Демак, минтақамизда бугунги кундаги замонавий университет ва институтлар ўрнини асрлар давомида мадрасалар бажариб келган. Қайд этиш жоизки, Бухоро мадрасалари диний ва дунёвий илмлардан таълим бера олган

илм маскани сифатида нафақат Марказий Осиёда, балки мусулмон шарқида ҳам машҳур бўлиб келган. Хусусан, 1822–24 йилларда Бухорога келган инглиз сайёҳи А.Бёрнс Бухоро мадрасаларида Эрондан ташқари барча мамлактлардан келган талабаларни учратиш мумкинлиги ҳақида ёзган. Булғориянинг (ҳозирги Болгария) Каргал шаҳридан келган Абу Шариф Муҳаммад Ҳусайн ибн абу Умар Булғорий 1815–1845 йилларда Бухорода таълим олиб, кейинчалик шу ерда яшаб қолганлиги ҳақида манбаларда сақланиб қолган [1]. Дарҳақиқат, бугунги кунда, мана шу илм масканларида таҳсил олган Марказий Осиёнинг машҳур олимлари, алломалари ҳаёти ва илмий меросига оид тадқиқотлар, республика ва халқаро миқёсда илмий, амалий анжуманлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар мадрасаларда таълим олган, улардаги кутубхоналардан фойдаланган. Камолотга етишиб, ўзлари ҳам устозлик шарафига эришган, шогирдлар тарбиялашган. Дунё маърифати ҳам ўрта асрларда шу илм даргоҳларидан қувват олган, ривожланган. Улар XI–XIV асрларда бутун инсоният маънавияти оламининг маркази эди [2].

Мадрасаларни холис мулк ҳисобидан қурилиши шарт ҳисобланган, хон ва амирлар, йирик амалдорлар томонидан бундай масканлар давлат ҳисобидан бунёд этилмаган. Баъзи манбаларда бу шариатга ҳилоф тарзда кўрсатилган. Демак, бу мадрасалар хусусий олий таълим муассасаларидир. Дарҳақиқат, мадрасалар тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, уларнинг 3 тоифага бўлинганини кўрамиз. 1. Хон мадрасалари. 2. Эшон (диний уламолар томонидан қурилган) мадрасалар. 3. Давлатманд шахслар, савдогарлар томонидан қурилган мадрасалар. Бунда мадрасалар давлат ғазнасидан эмас, аксинча, маърифатпарвар бадавлат шахслар томонидан қурилиб, улар томонидан мадраса таъминоти учун махсус вақфлар ажратилган. Шу билан бирга, мадрасалар таъмири учун давлат ҳазинасидан ҳам қўшимча маблағ

ажратилган. Мадрасаларнинг ўз вақф мулки ва вақфнома ҳужжати бўлган. Қайд этиш жоизки, мадраса таъминоти ва қурилиши учун қилинган вақфлар нафақат эркаклар, балки ҳукмдор аёллар, маликалар ва хатто бой ва ўрта табақа вакиллари бўлган аёллар томонидан ҳам амалга оширилган. Масалан, Шайбонийлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Шайбонийхон (1451–1510)нинг келини Меҳр Султон хоним Самарқанд шаҳридаги Шайбонийхон (Қўш мадраса) мадрасаси таъминоти учун ўз мулкларидан ер майдонлари, савдо-хунармандчилик устахоналари, дўконлар ва тегирмонларни вақф сифатида ажратган. Мазкур мулклардан келган фойда мадрасаларни сақлаб туришга, жумладан, уларни таъмирлашга, талабаларга нафақа, ўқитувчиларга маош тўлашга сарфланиб, маълум қисми эса, мутаваллига берилиши вақфнома(ҳужжатлари)да акс этган [3].

Қайд этиш жоизки, таълимга йўналтирилган вақфлар ҳоҳ у эркак ёки аёл бўлсин, яқин ўтмиш бўлган XIX аср охири XX аср бошларида ҳам кенг амалда бўлган. Хусусан, XX аср бошларида Бухоро шаҳридаги амир томонидан қурилган Мадрасаи Олия ҳақида келтирилган манбада қайд этилишича, мадраса амирнинг шахсий жамғармаси томонидан молиялаштирилган. Хусусан, 1915 йилда талабаларга ҳар ойда 15 сўм миқдорида нафақа (стипендия) тайинланган [6].

Хусусий олий таълим муассасалари фаолияти ватанимиз тарихида узоқ ўтмишга эга бўлиб, бунда вақф, хайрия ва ҳомийлик ҳақли равишда асосий таъминот манбаи бўлиб хизмат қилган деб айтиш мумкин..

Ҳозирги кунда республикамиздаги хусусий олий таълим муассасаларининг юридик мақоми ва улар таъминотини кўриб чиқсак қуйидагилар ойдинлашади. Амалдаги қонунчиликка кўра, нодавлат ОТМни лицензиялаш 2023 йил январигача Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилган. Лекин 2022 йил декабрь ойидаги маъмурий ўзгаришлар сабаб бу инспекция тугатилиб, унинг вазифалари иккита вазирликка ўтказилди. Хусусий боғчалар ва мактабларга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, хусусий профессионал таълим муассасалари ва

олий ўқув юртларига Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги лицензия берадиган бўлди [10]. Унинг фаолияти, лицензия бериш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган бўлиб, бунда албатта, асосий мақсад сифатли таълим бериш саналади.

Нодавлат ОТМларнинг ўзи хорижий ва маҳаллий хусусий ОТМларга бўлинади. Хорижий ОТМлар очишда бугунги кунда юридик мустақил ташкилот сифатида расмийлаштирмасдан, мавжуд маҳаллий университет қошидаги хорижий ОТМ филиалини ташкил қилиш тенденцияси ҳам сўнгги йилларда Ўзбекистонда анча кенгайди. Хусусан, улар сони бугунги кунда 30 тани ташкил қилганини кўришимиз мумкин. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этишга давлат томонидан рухсат берилишига муҳим воқеа деб қараш ўринли. Чунки, сўнгги йилларда бу борада Ўзбекистон МДХ республикалари билан солиштирганда анча орқада қолганлиги намоён бўлади. Айниқса, 2017 йилларга қадар Ўзбекистон умумий аҳолисини ўртача ҳисобда 32 млн. ҳисоблаганда, 477,6 нафар одамга 1 нафар талаба, Россия аҳолисини 142 миллионлигини инобатга олсак ҳар 28.4 нафар одамга 1 нафар талаба тўғри келган. Умуман олганда, бир йилда Ўзбекистонлик 32 млн.нафар фуқароларнинг 67 минг нафаригина талаба бўлиш бахтига муяссар бўлган [12]. Қайд этиш жоизки, йиллар давомида олий таълимда энг катта муаммо ҳам давлат миқёсидаги қамровнинг камлиги бўлиб, талабнинг катталиги боис соҳада коррупцион ҳолатлар авж олди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, халқ орасида “ОТМга кириш учун етарли билим кифоя қилмайди” деган тушунча шаклланди. Жумладан, бунда 10 та абитуриентдан бор йўғи биттасигина талаба бўлиши, қолган 9 та абитуриентнинг бу бахтдан маҳрумлиги сабаб бўлар эди. Бундан ташқари, йилдан-йилга давлат томонидани имтиёзларнинг кўпайиб бориши ҳам талаба бўлишни истаган билимли ёшларни умидсизлантирар эди.

2023 йилга келиб, Ўзбекистонда талабалар сони 1 млн.дан ошган (улардан 544,8 мингтаси талаба йигитлар, 495,6 мингтаси эса талаба қизлардир). 2021–2022 ўқув йилида эса республикадаги ОТМларда таълим

олаётган талабалар сони 808,4 минг нафарни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, хусусий ОТМлар миқдорининг ортиб бориши талабалар сонининг йилдан-йилга ошиб боришига сезиларли таъсир қилмоқда. Аммо шунга қарамай, сифатли таълим олиш учун хорижни танловчи ёшлар ҳам талайгина. Табиийки, хорижда таълим олиш ҳамма даврда ҳам долзарб бўлган. Масалан, ЮНЕСКО берган статистик маълумотига кўра, 2021 йилнинг ўзида хорижда тахсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар сони 85,9 минг нафарни ташкил этган. Бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сифатли олий таълим – истиқболли келажак кафолати сифатида ёшларни нафақат республика ичида, балки хориждаги нуфузли университетлар сари интилишларига сабаб бўлмоқда.

Қайд этиш жоизки, дунёда кенг тарқалган короновирус пандемияси шароитида масофадан ўқиш амалиёти анча самара бера бошлади. 2022 йилда Республикамизда илк бор давлат ОТМларида ҳам масофавий таълим шакли жорий этилишига оид қарор лойиҳаси эълон қилинди [11]. 2024 йилдан бошлаб IT-Park University нодавлат университети масофавий таълим шакли жорий этилди. Бу эса тез орада Ўзбекистонда ҳам масофавий таълим шаклида ўқиб олинган дипломлар тан олина бошланишини кўрсатади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда нафақат хорижда, хатто қўшни республикаларда ҳам давлат ОТМларига нисбатан хусусий ОТМлар сони ошиб бормоқда, хатто улар олий таълим тизимида етакчиликни қўлга олган. Хусусан, Қозоғистон Республикасида 2017 йилда давлат ОТМлари сони 30 тани ташкил қилган бўлса 2022 йилга бориб, 47 тани, хусусий ОТМлар эса 2017 йилда 86 та бўлса, 2022 йилга келиб 75 тани ташкил қилган. Шу билан бирга улар йилдан-йилга хусусийлаштирилмоқда. Масалан, 2017 йилдан 2022 йилга қадар 38,5% дан 25,9% га қисқариб, 47 тадан 30 тага пасайган [13]. Бундан кўриниб турибдики, хусусий секторнинг олий таълимга кириб келиши сезиларли даражада ошиб, талабалар сони ҳам давлат ОТМларига нисбатан хусусий ОТМларда етакчилик қилиб келмоқда.

Бу нафақат олий таълим тизимининг ривож, давлат учун олий маълумотли кадрлар сонини ортиб боришини ва ҳатто давлат ғазнаси учун ҳам катта сарф –харажатларнинг олдини олиб, давлат бюджетини иқтисод қилишга ёрдам бермоқда [7].

Ўзбекистон мисолида кўрадиган бўлсак, 2021 йил учун Ўзбекистонда давлат бюджетидан молиялаштириладиган ОТМларда ўқитишнинг шартнома (контракт) шаклидан тушадиган маблағлар олий таълим муассасалари харажатларининг ўртача 68% ини қоплайди холос, қолган харажатлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади [5].

Таъкидлаш жоизки, хусусий ОТМлар сони кўпайиб борса-да, улар фаолиятига бўлган ишонч ҳали у қадар кучли эмас. Айниқса, йиллар давомида давлат ва жамият учун керакли кадрларни етиштириб чиқарган давлат ОТМларининг нуфузи баланд. Бунда уларнинг кучли илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар жамоаси, олий таълимдан кейинги таълим босқичининг мавжудлиги, илмий тадқиқотлар, илмий-амалий грантлар ва турли хорижий лойиҳалардаги иштироки, халқаро ҳамкорлик, бир сўз билан айтганда, кучли потенциалга эга эканлигидадир.

Дарҳақиқат, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобатнинг ўсиб боришида илмий салоҳият, илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларни кенгайтириш, битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш ва албатта, бунга кўпроқ капитални жалб қилиш асосий омиллардан бири саналади. Шунингдек, ишончли жамғармаларга эга бўлиш ОТМлар таъминотининг доимий бўлишида ёрдам беради. Хусусан, Тошкентдаги Сингарпур менежментни ривожлантириш институти (хорижий ОТМ) мисолида айтиш мумкинки, ҳозирги кунда институт ўзининг ишончли жамғармаларига эга бўлиб, у молиявий қийинчиликларга дуч келган иқтидорли талабаларни молиялаштиради. Институтнинг бутун фаолияти давомида умумий қиймати 6 млн. АҚШ долларига тенг бўлиб, ушбу маблағдан 8000 га яқин стипендиялар ажратилган [8].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда янги очилаётган хусусий ОТМларнинг фаолиятини яхшилаш, мавқеини кўтариш, рақобатбардош сифатли таълим беришда давлат ташкилотларининг асоссиз аралашувларини чеклаш, ҳукумат томонидан ОТМларни ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш жуда муҳимдир. Шунингдек, юқорида қайд этилгандек, самарали бошқарув, кучли илмий салоҳият, илмий тадқиқотлар, илмий–амалий лойиҳаларни таълимга олиб кириш, халқаро ҳамкорлик ва албатта, битирувчи талабаларни иш билан таъминлаш амалиётининг жорий қилиниши уларнинг истиқболдаги нуфузини оширади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асророва Л. Бухоро мадрасалари тарихидан. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2016.
2. Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: Akademnashr, 2017.
3. Исматова Н. Бухоро амирлигида аёл воқифалар (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари). – Тошкент: Sharq, 2020.
4. Миркомиллов А. Президент гранти-ёшлар учун мотивацион куч! 25 август 2021. <https://yuz.uz>
5. Ўзбекистоннинг энг янги тарихи: ўқув қўлланма. /Тузувчилар: Р.Хасанов, Ш.Ўлжаева, О.Мусаев. – Тошкент, 2021. – 195 б.
6. Фатҳиддинзода, Бухороли Зухриддин. Мадрасаэ олиэ дар балдаэ фохираэ Бухоро // “Ал-Ислоҳ” журнали, 1915. – № 19. – С.601.
7. <https://www.energyprom.kz/ru/a/monitoring/v-kazahstane-sokrashaetsya-kolichestvo-vuzov-inostrannyh-universitetov-takzhe-stanovitsya-vsyo-menshe> Давлат ОТМларига 2022 йилда 3224,90млрд. тенге , хусусий ОТМларда эса 230,3 млрд. тенге кирим бўлиб, чиқим эса давлат ОТМлар учун 3776,7 млрд. тенгени, хусусий ОТМларда эса 225,6 млрд. тенгени ташкил қилар экан.

8. [Singapur Menejmentni Rivojlantirish Instituti \(mdis.uz\)](http://mdis.uz) MDIS (Сингапур менежментни ривожлантириш институти) 2008 йилда биринчи марта Тошкентда ўзининг чет эл филиалини очган бўлиб, бугунги кунда MDIS да 72 мамалакатдан 12,500 талаба таҳсил олади.
9. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/mutavalli-uz/> Мутавалли- арабча сўз бўлиб, «ишбоши», «бошқарувчи» деган маъноларни англатади. Ислом тарихида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор.
10. [Xususiy OTMning litsenziyasi to'xtatilsa, undagi talabalar nima qiladi? \(kun.uz\); https://lex.uz/docs/3273609;](#)
11. <https://regulation.gov.uz/uz/d/61078>
12. <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-45068580> Таълим: Ўзбекистонга яна нечта хусусий олий ўқув юрти керак? 4 август 2018.
13. <https://www.energyprom.kz/ru/a/monitoring/v-kazahstane-sokrashaetsya-kolichestvo-vuzov-inostrannyh-universitetov-takzhe-stanovitsya-vsyo-menshe>